

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТГОХЛИ РАНГТАСВИР ЙЎНАЛИШИНинг ЎЗГА ҲОС
ТАМОЙИЛЛАРИ

Севара Иброхимова

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
3-босқич талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13985488>

Аннотация. Уибу тезисда Ўзбекистонда дастгоҳли рангтасвир йўналишишининг ўзга ҳос тамойиллари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: дастгоҳли рангтасвир, портрет, галерея, рассом.

SPECIFIC PRINCIPLES OF EASEL PAINTING IN UZBEKISTAN

Abstract. This thesis presents information about the specific principles of easel painting in Uzbekistan.

Keywords: easel painting, portrait, gallery, artist.

**СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ СТАНКОВОЙ ЖИВОПИСИ В
УЗБЕКИСТАНЕ.**

Аннотация В данной дипломной работе представлены сведения о специфических принципах развития направления станковой живописи в Узбекистане.

Ключевые слова: станковая живопись, портрет, галерея, художник.

Рангтасвир санъати барча давларда инсоният учун энг эътиборли санъат тури сифатида эътироф этилган. Қадимги дунёни Рим, Бонистон сингари мамлакатларида дастгоҳли рангтасвир йўналиши ибтидоси бошланиб ривожланди. Ўтган асрнинг бошларида Ўзбекистонда ҳам дастгоҳли рангтасвир йўналиши ёйила бошлади.

XX асрнинг иккинчи ярмида дастгоҳли академик рангтасвир ва композицияси ўзбек портрет санъати юксалиб ривожланди. Портрет соҳасида Лутфулла Абдуллаев, Абдулхақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Малик Набиевлар самарали ижод қилди. Лутфулла Абдуллаевнинг “Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов”, “Йўлдош Охунбобоев” портретлари реалистик анъаналарда моҳирона тасвирланган. Абдулхақ Абдуллаев биринчи ўзбек портретчи рассомлардан бири бўлиб, портрет соҳасида салмоқли ижод қилди. У ўз замондошлари, зиёлиларни, олимларни адабиёт ва санъат намоёндаларини портрет галерейсини яратиб катта мувафаққиятларга эришди. “Аброр Хидоятов Отелло ролидা”, ёзувчи “Ойбек” портрети муаллифнинг шоҳ асарларидан бўлиб, Отеллони ўйчан боқиши,

гавда ҳаракати портретга романтик кўтаринкилиқ руҳини баҳш этган. Унда юз ифодаси психологик ҳолати моҳирона тасвириланган.

Ойбек портретида шоир сиймоси композиция жиҳатидан жуда чукур ва мукаммал очиб берилган. Рассом бу асарда инсон қиёфасини абадийлаштирибина қолмай, балки ҳамма юксак инсоний фазилатлар эгаси, оташ қалб, хаяжон ва ташвишга тўла буюк ёзувчининг жонли портретини яратди. Раҳим Ахмедов портрет жанрида хаётга чукурроқ ёндошли. Инсон ички кечинмаларини, хис-туйғуларини, орзуларини, инсоннинг гузал қалбини ўз асарида очиб беради. Унинг “Она ўйлари”, “Сурхондарёлик аёл”, “Дехқон” портрети ёрқин мисол бўла олади. Малик Набиев асосан портрет жанрида замондошлари билан бир қаторда тарихий алломалар образини ҳам яраташ устида кўп меҳнат қиласи.

У 1952 йили “Беруний” образини яратди. 1993 йили эса буюк саркарда “Амир Темур портрети”ни яратди. Портрет композициясини яратишида рассомларнинг ўзига хос услуби мавжуд. Улар адабий кўлёзма, этнографик хужжатлардан унумли фойдаланади. Портрет мазмунига кўра қуидаги турларга бўлинади: калла портрети, кўкрак қиёфали портрет (бюст), ярим гавда портрет, бутун гавда қиёфаси портрети, портрет картина, гурухли портрет, миниатюра портрети ва хоказо.

Портрет композициянинг тузилишида инсоннинг ташқи ва ички қиёфаси, унинг руҳияти, шунингдек қўли, ўтириш ҳолати, лиbosлари, интеръердаги предметлар асосий восита сифатида муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир рассом портрет яратишида ўз тажрибаси, усулига таянади. Бунга ҳар хил кутилмаган ҳолатда, ранг ва техникада бажарилган портретлар далил бўла олади.

Таниқли ижодкорлар ҳаётдаги воқеаларни тасвирий санъат, бадиий образларда мато мойбўёқда жозибадор қилиб кўрсатадилар. Рассомлар ўз ижодида нарса ва ҳодисаларнинг кишилар тафаккури ва ҳиссиётларига самарали таъсир кўрсатишга эришадилар. Рассом борлиқни шунчаки биладиган кишигини эмас, балки у аввало, бой тасаввур ва тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган ижодкордир. Дастгоҳли рангтасвир ва композицияларда тарихий ва замонавий йўналишлар, асар ғоялари санъатшунос каби таҳлил этилади.

Рангтасвирда буюк тасвирий санъат усталарининг ҳаёти ва ижодий асарларидағи ғояларни тасвирилаш қонун қоидалари, усуллари, композицияда ўз аксини топиб, санъат ихлосманди, томошабин ёки истеъододли ёш талаба ўқувчилар онгида шакллантирилади. Шу билан бирга бундай асарлар кишилар руҳиятига таъсир кўрсатиб, уларнинг маънавий оламини, билими ва тажрибасини кенгайтиради.

Таълим жараённида ўқувчи, талабаларда портрет, аёл қомати кўникмаларини шакллантиришда мактаб педагогик ва санъат техникумларида узвийликни инновацон таълим технологияларда босқичма-босқич тасвирлаш методикасини қўлланилиши дастгоҳли рангтасвир ва композиция ва бошқа мутахассис фанларида хам алоҳида аҳамиятга эгадир. Таниқли рассом Р.Ахмедов муносабатлар методи хақида шундай деган: “Ёруғлик ва ранг муносабати ҳамда тусларини аниқ курсата олиш рангтасвирнинг асосини ташкил қиласди”.

Бугунги қунда биз таҳсил олаётган оолий таълим муассасасида педагогик жараёнларни ташкил этишда ҳар бир талабада кузатилган ижодий қобилятни ривожлантиришда 7 та босқичма-босқич тасвирлаш методикасида ўрганилади.

1-босқич. Аёл портретини дастгоҳли рангтасвир композициясия рангтасвирда тасвирлаш босқичлари тузилишига қараб қоғоз варағи тик ёки ётиқ ҳолатда бўлиши аниқлаб қаламтасвирда тасвирлаш. Аёл портрети анатомик калла суюгини таҳлил асосида, қўшимча чизиклар ёрдамида геометрик шакллар тарзидаги белгиланади, ҳамда амалда қандай мақсадларда ишлатилиши таҳлил қилинади. Аёл портрети қисмга нисбатан қаламтасвирда ўлчаниб, аёл портрети ташки кўринишида жойлашган умумий белгилари абстракт кўрсатилади. Қаламтасвирда аниқ портрет аниқлаштириб чизилади. Аёл портрети нисбатларни натурага нисбатан таққослаб, характеристери солиштириб олинади.

2-босқич. Аёл портрети дастгоҳли рангтасвир композициясини рангтасвирда тасвирлашда матога (холсга) унинг жойланиши (композицияси) аниқланади.

Нарсанинг асосий нисбатлари, унинг ўлчами, конструктив қурилиши перспектив қисқариш қоидаларига риоя қилинган ҳолда рангтасвирда оч сояларнинг умумий кўринишни натурага нисбатан таққослаб рангда тасвирланади.

3-босқич. Аёл портрети дастгоҳли рангтасвир композицияни тасвирлашда соя, ярим соя, ўзидағи соя, тушувчи соялар аниқ тасвирланади. Аёл портрети асосий қисми ва майдада бўлакларининг ўзаро жойлашуви аниқлаш. Тасвирлашда қўлланилган ёрдамчи чизиклар ўчириб ташланади ва қўйилмадаги нарсалар билан рангтасвирдаги ўхшашлиги аниқланади.

4-босқич. Аёл портрети дастгоҳли рангтасвир композициясини тасвирлашда умумий кўринишни хона интерьеридағи ҳолат билан мослаштириб тасвирланади. Рангдаги тўқ очлик кузатилиб, рангларни совук ва иссиқ тусланишига аҳамият бериб ишлаш инсон қоматини янада жонли чиқишида хизмати каттадир.

5-босқич. Аёл портрети дастгоҳли рангтасвир, композициясини шаклларнинг характеристи ва фактураси қўрсатилади ҳамда иш бутун бир яхлитликка келтирилган ҳолда тугалланади.

6- босқич. Аёл қомати портрети дастгоҳли рангтасвир композициясини бош портрет қисми нисбатан асосий ўринда майда бўлаклар характеристи үхашашлик натурага нисбатан кузатилиб тасвирланади. Рангдаги умумийлик инсонни яхлит кўринишига ёрдам беради.

7-босқич. Аёл портрети дастгоҳли рангтасвир композициясини тасвирлаш жараёни яхлит кўриниш, умумий кўринишини йўқотмасдан рангда тўғри тасвирлашдан иборатdir. Охирги босқичда оч тўқлик натурани кўриниши рангдаги асосий соя ёруғликларни умумлаштириб туттилади.

REFERENCES

1. Р. Джалилова Дастроҳли Академик рангтасвир ва қаламтасвир портрет композицияси Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences (E)ISSN:2181-1784 www.oriens.uz SJIF 2023 = 6.131 / ASI Factor = 1.7
2. Композиция Фофур Абдураҳмонов. Ўқув қўлланма Тошкент-2009